

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1**



Бош муҳаррир:

Холбеков Муҳаммаджон

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Тўхтасинов Илҳом

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Тахрир хайъати:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўгли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммаджон

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Тухтасинов Илҳом

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оглы

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форт

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабоев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:

Kholbekov Muhammadjan

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

Tuhtasinov Ilhom

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. sci. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшунослик

1. Rahmonqulova Zarnigor

DISTOPIK EKZISTENSIALIZMNI INGLIZ YOZUVCHISI UILYAM GOLDINGNING "LORD OF THE FLIES" ROMANIDA AKS ETISHI.....6

2. Усманова Севара

ЧЎЛПОН ВА С.РИЧАРДСОН РОМАНЛАРИДА БАДИИЯТ МУАММОЛАРИ.....14

3. Yusupova Dildora

SHOIR SO‘Z AYTGANI KELAR DUNYOGA...(Shoira Halima Xudoyberdiyevaning hayot va ijod yo‘liga chizgilar).....21

4. Қўчқорова Садоқат

ФОЛЬКЛОРДА ЭРТАКНИНГ ЖАНР СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТИ.....28

5. Мажитова Сабоҳат, Ярашов Шариф

АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ВА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА «ДИЛ» (ЮРАК, ҚАЛБ) ТИМСОЛИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОНИ.....35

6. Джалилова Зарнигор

ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН СИФАТЛАРИНИНГ ГУЛЛАР ТИМСОЛИДА ИФОДАЛАНИШИ.....42

Лингводидактика

7. Khamzaev Sobir, Gilyazetdinov Eldar

THE PRINCIPLES OF SPEAKING SKILLS' FORMATION AMONG STUDENTS OF LINGUISTIC UNIVERSITIES.....48

Тилшунослик

8. Boygucheva Lola

THE ROLE OF DISCOURSE ANALYSIS IN MODERN LINGUISTIC THEORY.....54

9. Кобилова Азиза

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР ЎРНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ПЕРИФРАЗЛАР ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....59

10. Mamanazarova Gulhayo, Paluanova Halifa

ISSUES ON OIL AND GAS TERMINOLOGY IN LINGUISTICS.....65

11. Melikova Elnora, Abdullayeva Nargiza

PRIMARY AND SECONDARY PREDICATION.....71

12. Saidova Farida

O‘ZBEK TILI LEKSIK SINONIMLARINING LEKSIKOGRAFIK TALQINI.....77

13. Turniyazov Behzod

FAKTIVLIK ASOSIDAGI KAUZATSIYA.....83

14. Гафуров Бахтиёр АНАЛИЗ ЛИНГВОСТАТИСТИЧЕСКОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ АКЦЕНТНЫХ ФОНОВАРИАНТОВ ИМЕН СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ РУССКОГО ЯЗЫКА.....	91
15. Ибаев Анвар КОМПАРАТИВ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.....	97
16. Исмаилов Тургун ПРЕЗИДЕНТ ДИСКУРСИДА HOMELAND КОНЦЕПТИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ОРҚАЛИ ТАСАВВУР ЭТИЛИШИ (FREEDOM, LIBERTY ҚАДРИЯТИ МИСОЛИДА).....	103
17. Камолитдинова Вазира ОКСЮМОРОН ВА УНИНГ УСЛУБИЙ - СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	111
18. Нигматова Лолахон ЎЗБЕК ТИЛИ МАХСУС КОРПУСЛАРИ – ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВОСИТАСИ.....	116
19. Сабирова Ёъзоа ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ЎЗЛАШМА ЮРИДИК ТЕРМИНЛАР ТАЛҚИНИ.....	121
20. Сулаймонова Нигора ЗАМАХШАРИЙ ГЎЗАЛ НУТҚ ВА САБР ОДОБИ ҲАҚИДА.....	130
21. Тўева Зулфия, Юлдашева Дилором БАЁН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА.....	137
22. Xolova Muyassar BOYSUN SHEVASI ONLAYN MA'LUMOTLAR BAZASI (QIDIRISH VA SARALASH IMKONIYATLARI ASOSIDA).....	146
23. Abdullayeva Oqila Holmo'minovna O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISH BOSQICHLARI VA MUAMMOLI JHATLARI....	153
24. Abdunazarova Zarina Islomovna THE FORMATION OF SPEECH COMPETENCE.....	146
25. Nilufar Abduraxmonova O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISHDA LINGVISTIK ANNOTATSIYALASH TAMOIYILLARI.....	164
26. Shamuradova Naima O'ZBEK VA INGLIZ XALQ MAQOLLARINING QIYOSIY O'RGANILISHI HAQIDA (ASOSIY QISMLARINI QO'LLASH).....	171
27. Яхёева Гулнора Бахтиёровна ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ.....	175


28. Irgasheva Umida INGLIZ TILI DARSLARIDA TALABALAR KASBIY NUTQ KOMPETENTSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA STEAM TEXNOLOGIYALAR AHAMIYATI.....	179
29. Jumaniyozova Nuriya Axmedovna YURIDIK DISKURS LINGVISTIK TADQIQOT OBYEKTI SIFATIDA.....	184
30. Khayitova Feruza Abdikhalikovna THE PRACTICAL ANALYSIS OF TOPONYMS IN GREAT BRITAIN BASED ON THE STORY OF A. CONAN DOYLE "THE HOUND OF THE BASKERVILLES".....	188
31. Z. Masodiqova, Sh. Xatamqulova O'ZBEK VA NEMIS MAQOLLARINI QIYOSHLASH.....	193
32. Teshaboyev Dilmurod Rahmadjonovich, Axmadjonova Mohinur Bahodirovna SON SO'Z TURKUMINING BOSHLANG'ICH SINF DARSLIKLARIDA IFODALANGAN SHAKLLARINI AKT ORQALI TUSHUNTIRISH.....	193
33. Maxmurova Mavjuda Halimovna METAFORALAR NUTQ SHAKLI SIFATIDA.....	204
34. Nazarov Rustam Irkinovich THE IMPORTANCE OF PAIR WORK AND GROUP WORK ACTIVITIES IN TEACHING ENGLISH IN TECHNICAL UNIVERSITIES.....	210
35. Saidbekova Raykhona Rustambekovna, Ruzmatova Dilnoza Ramatjonova FAMILY PERSPECTIVES IN THE NOVEL "AND THE MOUNTAIN ENCHOED" BY KHALED HUSSEINI.....	217
36. Алижон Раҳматович Қосимов, Хумора Муҳаммадиса қизи Иминова ТИЛНИНГ БИОПСИХОСОЦИАЛ ОНТОЛОГИК МАҚОМИ МУАММОЛАРИ.....	222

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Ибаев Анвар Жўрабекович

Самарканд давлат чет тиллар институти,
Таржима назарияси кафедраси ўқитувчиси
anvar.ibaev@mail.ru

КОМПАРАТИВ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-15>

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада компаратив синтактик қурилмаларнинг тилшуносликда ўрганилиш ҳолати ҳақида фикр билдирилган. Жумладан, сўз бирикмалари, гап ҳамда мураккаб синтактик қурилмаларнинг тилшуносликнинг ўрганилиш объекти эканлиги, улар ҳам вазиятга қараб матн мақомида кела олиши айтиб ўтилган. Мураккаб синтактик қурилмаларнинг период, жумладан катта бирлик номлари билан ҳам айтилишига муносабат билдирилган.

Таянч сўзлар: мураккаб синтактик қурилмалар, компаратив синтактик қурилмалар, период, жумладан катта бирлик.

Ибаев Анвар Жўрабекович

Самаркандского государственного института иностранных языков,
Преподаватель кафедры теории и перевода.
anvar.ibaev@mail.ru

СРАВНИТЕЛЬНО-СИНТАКТИЧЕСКИЕ ПРИМЕРЫ КАК ОБЪЕКТ ИЗУЧЕНИЯ ЯЗЫКОЗНАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы компаративные синтаксические конструкции. Так же рассмотрены словосочетание, предложение и сложные синтаксические целые как текст, т.е. вышеуказанные синтаксические конструкции смотря по обстоятельствам рассматриваются как текст. Кроме этого, были отмечены некоторые суждения о том, что сложные синтаксические целые могут так же именоваться терминами период и сверхфразовое единство.

Ключевые слова: компаративные синтаксические конструкции, сложные синтаксические целые, период, сверхфразовое единство.

Ibaev Anvar Jurabekovich

Samarkand State Institute of Foreign Languages,
Teacher, Department of Theory and Translation.
anvar.ibaev@mail.ru

COMPARATIVE SYNTACTIC DEVICES AS AN OBJECT OF LANGUAGE STUDY

ANNOTATION

Analyzed the composite syntactic constructions in the structions. Also, a phrase, a sentence and complex syntactic wholes are considered as a text, i.e. the above syntactic constructions, depending on the circumstances, which are considered as the text. In addition, some judgments were noted that complex syntactic wholes can also be called the terms period and over-phrasal unity.

Key words: composite syntactic constructions, complex syntactic integers, period, super phrasal unity.

Ҳозирги кунда тилнинг система эканлиги деярли барча тилшунослар томонидан эътироф этилмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда барча фанларда амал қилинганлиги каби, тилшуносликда ҳам системавий тадқиқотларга эътибор берилмоқда.

Тилшунослик тарихида синтактик қурилмалар, асосан, шаклий нуқтаи назардан ўрганилиб келинди ва онда-сондагина унинг мазмуний томонига эътибор қаратилди.

Гап шаклий жиҳатдан муайян элементларга бўлинадиган ва, айни пайтда, маълум элементларнинг ўзаро грамматик ва мазмуний муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида талқин этилди. Кўринадик, анъанавий тилшуносликда ҳам интуитив ҳолатда бўлса-да, гапнинг системавий табиати эътироф этилади. Лекин бутунликни ташкил этган элементлар ўртасидаги муносабатларга етарли эътибор берилмаган.

Синтаксисни ўрганиш тарихи ўзининг кўп асрлик анъанасига эга бўлишига қарамадан, унинг ўрганиш предмети масаласида ҳанузгача хилма-хил фикрлар мавжуд.

XIX асрнинг ярмидан бошлаб, синтактик назарияда эътибор бутунга (гапга) эмас, балки унинг бўлақларига қаратилди. Натижада тилшунослар сўз туркумлари ва сўз шакллариининг гапдаги вазифаларини ўрганишга эътибор бердилар. Бундай қараш (морфологизм) грамматик таҳлилнинг шаклий томонига ва тилларнинг миллий ўзига хослигига эътиборнинг кучайиши натижасида вужудга келди.

Й.Рис сўз туркумлари синтаксиси ҳақидаги таълимотни танқид қилиб, сўз туркумлари синтаксисиде синтактик материаллар тизимининг изчил эмаслигини, синтаксис предмети мақомини белгилашда аниқ чегаранинг йўқлигини қоралайди. Ва ўзи грамматиканинг ўзаро боғлинган икки тамойил асосида бўлинишини тавсия этади. Улардан бири сўз ва сўз бирикмасининг синтактик опозицияси, иккинчиси шакл ва мазмун ўртасидаги сифат опозицияси. Синтаксис предмети Й.Риснинг фикрича, ҳам шакл, ҳам мазмун томонини ҳисобга олган ҳолда сўз бирикмаси бўлиши керак.

Синтактик текшириш объектига бундай қараш рус тилшунослари Ф.Ф.Фортунатов, М.Н.Петерсон, А.М.Пешковскийларга ҳам таъсир этади ва уларнинг асарларида ана шу концепция ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Синтаксис сўз бирикмаси ҳақидаги таълимотдир, деган қарашга машҳур рус тилшуноси академик В.В.Виноградов зарба берди. У синтаксис предмети сўзнинг сўз бирикмаси ва гап таркибида бирикиши қоидалари ва усуллариини ҳамда сўз бирикмаси ва гап типларини, уларнинг тузилиши, вазифаси ва қўлланилиш шарт-шароити, ривожланиши қонуниятларини ўрганишдан иборат эканлигини таъкилдайди.

Кўринадик В.В.Виноградов синтаксиснинг ўрганиш объекти сўз бирикмаси ва гап бўлиши эканлигини эътироф этади. Сўз бирикмаси синтаксисининг ҳам, гап синтаксисининг ҳам таркибий қисмлари синтактик қурилмалар рубрикаси остида ўрганилади. Шунга кўра, мураккаб синтактик қурилмаларни ҳам синтактик қурилмалар сирасига киритишимиз мумкин. Мазкур қурилмаларни компаративистика нуқтаи назаридан ўрганадиган бўлсак, контрастив лингвистика тамойилларга асосланган ҳолда айнан икки тил (бизда инглиз ва ўзбек тиллари) ўртасидаги фарқни кўриб чиқишимиз керак бўлади. Бунда ўхшаш жиҳатлари автоматик тарзда келиб чиқади.

Келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, биз сўз бирикмалари ва гапларни кичик компаратив синтактик қурилмалар, мураккаб синтактик қурилмаларни эса катта компаратив синтактик қурилмалар деб аташимиз мумкин.

Равшанки, сўз бирикмалари ўтган асрлардан то ҳанузга қадар жаҳон тилшунослигида лингвистик тадқиқотлар объекти бўлиб хизмат қилмоқда. Биз тадқиқ қилаётган инглиз ва ўзбек тиллари ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

В.В.Виноградовнинг фикрига кўра, сўз бирикмалари нуткнинг коммуникатив категорияси системасига киради. Улар маълум бир ахборотни фақат гап таркибида ёки гап орқали узатиши мумкин. Сўз бирикмалари худди сўзлар каби тилнинг номинатив воситалари каторига киради, шу билан бирга, мулоқот жараёнида қўлланиладиган қурилиш материали вазифасини бажаради. Гап эса ана шу материалдан ташкил топади ҳамда воқелик ҳақида хабар беради.

И.П. Иванова ва В.В. Бурлаковаларнинг фикрига кўра, сўз бирикмалари деб номланувчи синтактик қурилма бу **to disregard the remark, busy life, very new** тарзидаги синтактик шаклланган ҳар қандай гуруҳ ёки синтактик боғланишнинг ҳар қандай мавжуд тури билан боғлиқ бўлган **on the beach, under the net, in the corner** тарзидаги сўзлар ҳам бўлиши ҳам мумкин.

Бизнингча, сўз бирикмаси тўғрисидаги ҳар иккала фикр ҳам эътирозлидир. Чунки сўз бирикмаси В.В. Виноградов айтганидек гапнинг қурилиш материали бўла олмайди. Бу хусусида Н.К.Турниёзов қуйидагиларни тўғри таъкидлайди: “Назаримизда мустақил сўз билан номустақил сўзларнинг ўзаро боғланиши ҳам, икки мустақил сўзнинг тенглик асосида боғланиши ҳам сўз бирикмаси мақомида ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, сўз бирикмаси гапнинг қурилиш материали ҳам бўла олмайди. Чунки у нутқда гап билан бир пайтнинг ўзида вужудга келади. Агар сўз бирикмаси тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлганда эди, уларни гапнинг қурилиш материали сифатида талқин этиш мумкин бўларди”.

Дарҳақиқат сўз бирикмаси нутқ бирлиги бўлиб, у тилда тайёр ҳолда бўлмайди. Шунга кўра, унинг номинативлик касб этиши ҳам, бизнингча, эътирозлидир. Зеро, феълли сўз бирикмаларини олиб қарайдиган бўлсак, уларнинг предикативлик белгига эга бўлиши яққол кўзга ташланиб туради.

Бундан ташқари И.П. Иванова ва В.В. Бурлаковалар билдирган фикр ҳам изоҳталаб кўринади. Чунки олимлар таъкидлаганидек *on the beach, under the net, in the corner* каби бирикмалар сўз бирикмалари бўла олмайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, мазкур бирикмаларда боғловчи восита ҳамда боғланаётган сўз мавжуд бўлса-да, ҳосила структура шаклланмаган. Шунга кўра, биз уларни сўз бирикмаси сирасига кирита олмаймиз.

Шу билан бирга, ўзбек тилшунослигида А.Ғуломов, М.Асқарова, Н.Маҳмудов каби олимларнинг ишларида ҳам сўз бирикмаси масалаларига ҳам эътибор қаратилганини кўрамиз. Аммо бу ишларда ҳам сўз бирикмаси нопредикатив қурилма тарзида кўриб чиқилади.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, мавжуд адабиётарнинг аксариятида сўз бирикмалари тўғрисида сўз юритилганда, фақат тобе муносабатли сўз бирикмалари ҳақида фикр билдирилади. Тенг муносабатли сўз бирикмалари тадқиқот марказига ҳали том маънода чиққани йўқ, десак адашмаган бўламиз. Бундан ташқари, тенг муносабатли сўз бирикмалари адабиётларда сўз қўшилмалари атамаси билан юритилишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Аммо мазкур атаманинг қўлланиши, бизнингча, эътирозлидир. Чунки сўз бирикмалари ва сўз қўшилмалари атамаларининг луғавий маъноларида деярли фарқ бўлмагани боис, биз сўз қўшилмалари атамасини қўллаш билан тилда атамаларнинг сунъий равишда кўпайишига сабаб бўлишини таъкидлаб ўтамиз. Шу сабадан ҳам сўз бирикмаларини тенг муносабатли ҳамда тобе муносабатли сўз бирикмалари деб юритсак мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, сўз бирикмаларидан ташқари гап ҳам синтактик қурилмалар сирасига киради. Тил ҳақидаги таълимотда гапни синтактик birlik тарзида ўрганишга турли хил ёндашувлар мавжудлиги сир эмас. Тилшунослиқда гапни ўрганиш икки хил ёндашув орқали амалга оширирилишини қайд этиш лозим: 1) гапни нолингвистик

тушунчалар орқали ўрганиш (мантикий ва мантикий-психологик нуқтаи назардан); 2) гапнинг соф лингвистик белгиларини ўрганиш орқали.

Турли лингвистик йўнашлар вакиллари гапнинг моҳиятини ҳам турлича талқин қилишади. Ушбу қарашларда турли хил грамматик концепциялар юзага келиши кузатилади. Бу ҳолат эса тилшунос олимларнинг бу масалага турлича назарий қарашлар билдирилиши билан талқин этилади.

Масалан, рус тилшуноси О. Волошина гап билан сўзнинг фарқи ҳақида фикр билдирганда, сўздан фарқли равишда гапнинг таркибидаги компонентларнинг жойини хоҳлаганимизча ўзгартиришимиз мумкинлигини таъкидлайди. Сўзда эса, албатта, бундай имкониятга эга эмасмиз, деб таъкидлайди олима.

Бироқ бу фикр, бизнингча, бирмунча изоҳталаб кўринади. Чунки бундай фикрлайдиган бўлсак, биз гапнинг таркибини чегаралаб қўйган бўламиз. Ваҳоланки, бир сўздан иборат бўлган гаплар ҳам тилимзда мавжуд. Бундай гапларни биз ҳисобга олмаган бўламиз.

Гап ҳақида фикр билдирар эканмиз, Н.К.Турниёзовнинг қарашларини айтиб ўтиш лозим кўринади. Олимнинг тўғри таъкидлашича, гап – тил белгиларининг қўлланилиш объектидир.

Дарҳақиқат, гап нутқ бирлиги бўлиб, унинг хусусияти тил бирликларини уюштиришда намоён бўлади. Унинг матндан фарқли жиҳати ҳам шундадир. Зеро матн нутқ белгиларини жамлайди.

Аммо баъзи тилшунослар, масалан, В.Г.Гак гапнинг ўзини ҳам тил бирлиги ҳисобдайди. Бундай қараш, албатта, Ф де Соссюрнинг тил белгиси виртуал характерли бўлишини ҳамда ифодаловчи ва ифодаланувчи жиҳатларига эга бўлиши шарт деган фикрига зид келади. Бундан ташқари гапнинг структур схемаси тил системасида тайёр ҳолда мавжуд эмас. Чунки тайёр ҳолдаги схемалар инсон онгида яшайди.

Гапнинг нутқ бирлиги эканлиги Соссюрдан ташқари А.И.Смирницкий, Ф.Ф.Фортунатов, А.А.Шахматов, В.В. Виноградовлар томонидан ҳам таъкидланган эди.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, гапни айрим олимлар матн мақомида ҳам таҳлил қилишади. Ш. Турниязова мустақил қўлланган, мақсад ифодаси ҳам, маъно тугаллиги ҳам тўлиқ бўлган гаплар матн мақомида келишини таъкидлаган. Агар олима айтгандек гап матн мақомидага келса, унда унинг нутқ бирлиги эканлиги яна бир бор ўз исботини топади. Зеро матннинг нутқ бирлиги эканлиги изоҳ талаб қилмайди. Бундан ташқари, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бундай ҳолатда гап учун энди амалдаги анъанавий синтактик таҳлил яроқсиз бўлиб қолади. шунинг учун ҳам биз гапни ишимизнинг кейинги саҳифаларида деривацион нуқтаи назардан таҳлил қиламиз.

Синтаксис предмети юзасидан тилшуносликда хилма хил қарашлар мавжуд. Ўзбек тили синтаксисига доир мавжуд барча адабиётларда синтаксиснинг икки бирлиги: сўз бирикмаси ва гап ҳақида фикр юритилади ва бу икки бирлик синтаксиснинг текшириш объекти эканлиги айтилади. Бундай қараш рус тилшунослиги таъсирида кириб келди. Рус тилшунослигида синтаксиснинг иккита ўрганиш объекти мавжуд эканлигини А.А.Шахматов баён қилган эди. Бу фикр В.В.Виноградов томонидан ривожлантирилди. В.В.Виноградов фикрига кўра, фақат сўз бирикмаси ва гапгина эмас, балки қўшма гап ҳам алоҳида синтактик бирлик сифатида тан олинади. Бу қарашга мувофиқ синтактик қурилмалар сифатида уч бирлик: сўз бирикмаси, гап ва қўшма гапни кўрсатиш мумкин.

Аммо биз уларда қўшма гап дейишимиз билан мураккаб синтактик қурилмалар ҳам гап доирасига кириб кетганлигининг гувоҳи бўламиз. Чунки аксарият адабиётларда мураккаб синтактик қурилмалар қўшма гап атамаси билан аталишини кузатамиз. Бу эса синтактик қурилмалар сирасига сўз бирикмалари ҳамда гап киришини кўрсатади. Аммо бу, бизнингча, изоҳталаб масала саналади. Зеро, масалага шундай ёндашадиган бўлсак, мураккаб синтактик қурилмалар четга чиқиб қолади. Шунинг учун синтактик қурилмаларга сўз бирикмалари билан гапдан ташқари қўшма гап эмас, балки мураккаб синтактик қурилмалар ҳам қиради десак тўғрироқ бўлади.

Кўшма гап атамасининг мураккаб синтактик қурилма деб аталишининг асосий сабаби иерархик муносабатни бузмаслик эканлигини Н. Турниёзов ҳам таъкидлаган. Олимнинг мазкур мулоҳазаси, фикримизча, жуда тўғри. Чунки ҳар қандай кичик бирлик ўзидан катта бирлик ичида фаоллик касб этади. Шунингдек, тилшунослигимизда кўшма гап тушунчасининг талабга жавоб бера олмаётганлигининг асосий сабаби синтактик тадқиқотларда поғонали муносабат қонуниятининг бузилаётганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Мураккаб синтактик қурилмалар компонентлари содда гаплардан кескин фарқ қилади. Улар шаклларига кўра содда гапларга ўхшаса-да, мустақил содда гаплардан кескин фарқланади. Шу билан бирга, тилшуносликда мураккаб синтактик қурилмалар “Жумладан катта бутунлик”, период тушунчаларининг ўрнида ҳам қўлланилаяпти. Жумладан, акад. Ғ.Абдурахмонов периодга қуйидагича таъриф беради: “Мураккаб составли гапларда маълум бир мазмун муносабати ифодалангани, интонацион тугаллик бўлганлиги учун, бу хил конструкциялар ўзига хос сифатга эга бўлади ва улар период деб номланади. Период тузилиши, интонацияси ва мазмунига кўра яхлит бир бутунликни ташкил этади. Бу хил бутунликлар содда ёки мураккаб бўлиши мумкин: агар улар бир хил, бир типдаги гаплардан тузилса (масалан, бир неча эргаш гапли кўшма гаплар, бир неча содда гаплардан тузилган боғланган ёки боғловчисиз кўшма гаплар ва ҳоказо), содда период дейилади, агар бу бутунлик турли хил гаплардан тузилса, (масалан, эргаш гапли кўшма гап ва боғловчисиз кўшма гап бирикмаси каби), мураккаб период дейилади”.

Умуман олганда, мураккаб синтактик қурилмалар гапдан таркиби ҳамда ахборотнинг узатилиш ҳажми билан фарқ қилади. Шу сабабдан мураккаб синтактик қурилмаларни аниқлашда биз аввало унинг гапдан фарқ қилувчи жиҳатларини топишимиз лозим бўлади. Мураккаб синтактик қурилмалар гаплардан ташкил топади. Улар ўзаро грамматик ҳамда интонацион бутунликни ҳосил қилади. Демак, мураккаб синтактик қурилмалар гапдан мазмун сифимининг катталиги мазмуний синтактик тузилишнинг ўзига хослиги, мураккаблиги билан фарқ қилади. Албатта гап ҳам мураккаб синтактик қурилма ҳам муайян ҳукм ифодачиси сифатида мавжуд бўлса-да, тилнинг кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлишидай энг муҳим вазифаси бевосита синтактик қурилмаларда намоён бўлса-да, гап ва мураккаб синтактик қурилмалар тузилиши ва мазмуний таркиби ҳамда бу таркибни юзага келтирувчи узвлар муносабати, уларнинг ҳар бирида мутлақо ўзига хосдир. Мантиқ фани нуқтаи назаридан олиб қараладиган бўлса, гапларда асосан содда ҳукм, мураккаб синтактик қурилмаларда эса мураккаб ҳукм ифодаланади.

Айтиш жоизки, айрим тилшунослар мураккаб синтактик қурилмаларда матн мақоми мавжудлигини таъкидламоқда. Чунки мураккаб синтактик қурилмалар ҳам матн каби полипредикативликка, бу орқали эса устпредикативликка эгадир. Коммуникатив доирада ҳам мураккаб синтактик қурилмалар матн каби кенг кўламдаги ахборотнинг узатиши билан ажралиб туради.

Сенга ёрдам бераман. Агар хоҳласанг. Мен албатта келаман. Фақат кейинроқ.

Келтирилган мисолда тўртта содда гапдан иборат матн берилган. Биз уни ҳеч шубҳасиз матн деб атаймиз. Аммо матн компонентлари ўртасидаги нуқталарни олиб ташлаб, унинг шаклини бир оз ўзгартирсак, қуйидаги ҳолатга дуч келамиз:

Агар хоҳласанг, сенга ёрдам бераман; мен албатта келаман, фақат кейинроқ.

Бу ҳолатда биз мураккаб синтактик қурилмага дуч келамиз. Кўринадикки бундай вазиятда гапда узатилаётган ахборотнинг ҳажми ҳам, мазмуни ҳам ўзгармаяпти. Шу сабабдан ҳам мураккаб синтактик қурилмага ҳеч иккиланмай матн мақоми бера оламиз. Фақат матннинг таркибига назар ташласак, биринчи ҳолатда биз тўрт компонентли (тўртта содда гапли) матнга, иккинчи вазиятда эса мураккаб синтактик қурилма қолипидидаги матнга дуч келамиз.

Демак, мураккаб синтактик қурилма нутқда шаклланади ҳамда икки ёки ундан ортиқ гапларни ўз ичига олади. Бу эса унинг гапдан катта нутқ сатҳи эканлигини яна бир бор исботлайди. Бундай қурилмалар умумий лингвистик мақомига кўра муштарак бўлсалар ҳам

семантик жиҳатларига кўра бир-биридан фарқланади: тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар ва тобе компонентли мураккаб синтактик қурилмалар. Бироқ қандай номланишидан қатъи назар уларнинг ҳар бирида микроматн салмоғи кўзга ташланади. Албатта бу ўринда микроматн тушунчасини нисбий тушунмоқ зарур. Чунки матннинг мустақил гап билан, сўз бирикмаси, бир сўз билан ва ҳатто маълум бир графема билан ифодаланган турлари ҳам борки, улар ҳам энг кичик матнлар саналади.

Мураккаб синтактик қурилмаларда матн белгиларининг мавжудлигини В.М.Ляпоннинг ишида ҳам учратамиз. Бу ҳақда олим қуйидагиларни ёзади: “Кўшма гап икки ёки ундан ортиқ нисбий тугалланган (коммуникатив маъноли) хабар парчаларини ташкил этувчи гапларнинг ўзаро онгли равишдаги бирикуви натижасини тақозо этар экан, унинг структурасида матнга хос жиддий белгилар мавжудлигидан келиб чиқмоғимиз ва буни эътироф этмоғимиз лозим”.

Тилшуносликда мураккаб синтактик қурилмалар ва уларнинг табиати масаласи бир неча ўн йиллардан бери ўрганиб келинди. Таъкидлаш керакки, анъанавий тилшуносликда яратилган шаклий (формал) синтаксисга оид тадқиқотларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Мураккаб синтактик қурилмалар ва унинг таркибий хусусиятларига бағишланган ишлардаги илмий асосланган ғоялар бугунги тилшуносликда мураккаб синтактик қурилмалар табиати ва унинг мазмуний-таркибий хусусиятларига оид янгича қарашларнинг пайдо бўлиши учун қонуний равишда мустаҳкам замин ҳозирлади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. М., 1972.
2. Нурмонов А.Н. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. Тошкент, 1988.
3. Виноградов В.В. Основные принципы русского синтаксиса в грамматике русского языка.- Изб. Труды «Исследования по русской грамматике». М., 1975.
4. Виноградов В.В. “Вопросы синтаксиса современного русского языка”. - Москва, 1950.
5. Иванова И. П., Бурлакова В. В., Почепцов Г. Г. Теоретическая грамматика современного английского языка: Учебник./ — М.: Высш. школа, 1981.
6. Турниёзов Н.К. Сўз бирикмаси ва гап бўлаклари ҳақида баъзи мулоҳазалар // Роман-герман тилшунослигининг долзарб масалалари. – Тошкент, 2009.
7. Н. Турниёзов, Б. Турниёзов, Ш. Турниёзова. Ўзбек тилининг деривацион синтаксисини. Тошкент, 2011 йил.
8. Гак В.Г. Высказывание и ситуация // Проблемы структурной лингвистики – 1972 – М., 1973.
9. Ф. де Соссюр. Труды по языкознанию. – М., 1977.
10. Синтаксис современного русского языка. – СПб., 2008.
11. Турниязова Ш. Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари. Номз. дис. Тошкент, 2010.
12. Абдурахмонов Ғ., Сулаймонов А., Холиёров Ҳ., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили (синтаксис), Тошкент: Ўқитувчи, 1979.
13. Маҳмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. Тошкент. - 1995.
14. Золотова Г.А. О перспективах синтаксических исследований. Серия литературы и языка. том 45, №6, 1986.
15. Хайруллаев Х. З. Нутқ лингвистикасининг ўрганиш объекти хусусида. Хорижий филология. №2, 2019.
16. Турниязова Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари. Номз. дис. автореф.
17. Ляпон М.В. Смысловая структура сложного предложения и текст. – М.: Наука, 1983.

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1